

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (11.198)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

•Тошкентда деярли бир ҳафта давом этган «Кичик бизнес учун Ҳиндистон мини-технологиялари—India minitech-2008» кўргазмаси доирасида жами 331 та савдо шартномаси имзоланди.

•Самарқанд шаҳрида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашнинг устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Президентимизнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан ташкил этилди.

•«Ёшлар йили» давлат дастурига биноан ташкил этилган «Саломатлик поезди» Орол бўйига етиб келди. Ундан жой олган бир гуруҳ пойтахтлик шифокорлар «Нукус», «Жаслик», «Каракалпакия» станцияларида тўхтаб, бу ерда хизмат қилаётган темирйўлчилар, оналар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказдилар. Поездда олиб келинган дори-дармонлар, тиббий ва шахсий гигиена воситалари Орол бўйидаги шифо масканлари, ноғиронлар, эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди.

•Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Нукус филиалида ilk бор абитурientлардан ҳужжат қабул қилинмоқда. Ёрни мамлакатимиз Президентининг шу йил 28 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори иқтидорли ёшлар учун яна бир имконият эшигини очди.

•Навой вилояти, Кармана туманидаги Уйрот кўрганида янги касб-хунар коллежининг қурилиш ниҳосига етмоқда. «Шарқ қурилиш сервис» МЧЖ қурилиш фирмаси томонидан бунёд этилаётган, қиймати 1,7 миллиард сўмликдан ортиқ бўлган ушбу касб-хунар коллежида озиқ-овқат саноати ҳамда ўз маҳсулотларини қайта ишлаётган фермер хўжаликлари учун мутахассислар тайёрланади.

•Анрен шаҳрининг Қизилтоғ кўрганидаги «Камолот» ЕИҲ ижтимоий хизматлар марказида «Ёшлар — таянчимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда бир қатор муассаса ва таълим масканлари раҳбар ходимлари, масканга аъзо бўлган ёшлар қатнашди. Тадбирда ёшларнинг ёзи таътил вақтини завқли ва сермазмун ўтказиш, маҳаллаларда «Соғлом турмуш тарafdоримиз» шиори остида ота-оналар ва ёшлар билан давра суҳбати ўтказиш хусусида ўзаро фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

•Кеча Шимолий Осетиянинг Моздок шаҳрида ҳарбий ўқув-машқ йиғинлари бошланди.

•Бугун Хитойнинг Сичуань музофотида рўй берган кучли zilзилдан жабрланиб яқинларидан айрилган 500 нафар бола Владивостокдаги «Океан» болалар марказига жойлаштирилди. Улар уч ой давомида шу ерда хордик чиқаришади.

•Сеул шаҳрида Жанубий Кореянинг «Samsung» компаниясининг собиқ раҳбари Ли Гон Хи устидан суд жараёни бўлиб ўтди. У ўзининг 20 йиллик раҳбарлик даврида катта миқдордаги солиқларни қалбақлаштиргани сабабли уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бундан ташқари, Ли Гон Хи 109 миллион доллар миқдорида жарима ҳам тўлайди.

•Қатар Яқин Шарқдаги энг бой давлатга айланди. 2007 йил якунларига кўра ушбу мамлакатда аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулот кўрсаткичи 76 минг долларни ташкил этди. Ёрни, ўтган олти йил давомида Қатар аҳолиси фаровонлиги 2,8 баравар ошди.

•Хорватияда Белград—Загреб йўналиши бўйича қатнаётган автобуслардан бири ёниб кетди. Маҳаллий ахборот агентлигининг хабарига кўра, фожиа оқибатида икки йўловчи ҳалок бўлган, саккиз нафари эса турли даражада тан жароҳатлари олган. Ҳозирча фалокат сабаби маълум эмас.

•Ниҳоят, йирик нефт биржаларида ўтказилган сўнги савдоларда «қора олтин»нинг нархи нисбатан арзонлашгани кузатилди. Хусусан кеча Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 136,19 доллар, Нью-Йоркдаги савдоларда эса 134,46 доллар миқдорида қайд этилди.

•Кеча Германияда иккита кеманинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида Эльба дарёсига 340 тонна дизел ёниғиса тўкилди.

•Кеча Японияда 14 ёшли ўсмир йўловчи автобусини олиб қочиб, ўн кишини бир неча соат давомида гаровда ушлаб турди. Ўсмир маҳсус хизмат ходимлари томонидан қўлга олинганидан сўнг ушбу жиноятни фақат кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиши хоҳлагانлиги сабабли амалга оширилгани билдирди.

•Испаниянинг Кантабл киргоғидаги горлар ЮНЕСКО томонидан инсоният мероси сифатида рўйхатга олинди. Бу маданий мерос деворларига ибтидоий одамлар томонидан турли суратлар чизилган 14 та гор бўлиб, улардан энг машҳури Альтамирадир. Альтамира гори 1985 йилдаёқ маданий мерос сифатида эътироф этилган.

**ЎЗБЕКИСТОН
ФАЙЛАКОРЛАРИГА**

Қадри дўстлар!
Авалламбор, сиз, азиз дехқон ва фермерларни, барча қишлоқ меҳнатқашларини бугунги меҳнат галабангиз — 6 миллион 175 миң тоннадан зиёд улкан галла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Меҳнатқаш ва омилкор дехқонларимизнинг ўз пешона тери билан қўлга киритган, барчани ҳайратда қолдирадиган бундай ютуқ ва марралар, уларнинг аввалламбор юқори ҳосилдорликка, яъни ўртача 48 центнердан галла олишга эришганлари ҳақиқатан ҳам ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга арзийди. Айниқса, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳосилдорлик даражаси 50-60 центнерни ташкил этгани, Оқдарё, Денов, Пахтабод, Избоскан ва Сарийосё туманларида эса бу кўрсаткич 58-65 центнердан юқори бўлгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Дехқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қариб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз галлачилик тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнглини мамнуният ва қувонч билан тўлдириши табиий, албатта.

Шулар қаторида мамлакатимизда етиштирилган мўл ҳосил натижасида 3 миллион 300 миң тоннадан ортиқ галла дехқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолгани қишлоқ аҳолининг рўзғорига кут-баракча бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳеч кимга сир эмас, дон, бўғдой эл-юртимизни боқадиган, кўнглимизни тўқ, дастурхонимизни тўкин қиладиган азиз ва муқаддас неъмат сифатида ҳайтимизда ҳамisha бекиёс ўрин тутиб келади.

Айниқса, бугунги кунда дунё миқёсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз бераётгани, бўғдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат дехқонларимиз бунёд этган бу галла хирмони-нинг аҳамияти ва ҳофиятини яна бир бор ҳар томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюқ меҳнатига тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, қўзига тўтиё қилиб яшайди. Нонни муътабар деб қадрлаш, унинг ушғини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган, тарихий хотирамиздан чўқур жой олган, десак, асло мулобаға бўлмайдими. Дарҳақиқат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу баракча тимсолдир. Асрлар давомида шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншоолло.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатни унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онгига синдириш, фарзандларимизни ҳам нонга, дехқоннинг оғир ва шарафли меҳнатига ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Бу йилги галла мавсумини якунлар эканмиз, мана шундай юксак марра ва бекиёс бойлик ниманинг ҳисобидан, қандай машаққатли ва маъсулиятли меҳнат тўфайли қўлга киритилганини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, эришилган ютуқнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир. Ҳақиқатан ҳам, бу йил бошимиздан кечирган қийинчиликлар — қийинчиликлар нисбатан сувуқ келгани, қаттиқ қуроқчилик, дўл ва сел каби офатлар, турли хашарот ва зараркундаларга қарши кураш — буларнинг барчаси мард ва азму шижоатли дехқонларимизнинг иродасини яна бир марта синовадан ўтказди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бугун мамлакатимизнинг бепоён далаларида меҳнат қилаётган, ишининг негизини биладиган қайси мутахассис, фермер ва миришкор дехқон билан суҳбатда бўлган, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида эришилган марра ва натижаларининг замирида аввало соҳада янгиликлар иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни изчил жорий этганимиз мумкин эканини бир овоздан эътироф этади.

Энг асосийси, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни ҳақиқий эгасига топшириганимиз, мулкдорлик ҳисси далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг онгу шурига чўқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгариб, келажакка ишонч тўғриси қучайиб бораётгани бундай ютуқларга эришишда гоёт муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг қишлоқ хўжалигида тўлиқ фермерлик ҳаракатига ўтганимиз нақадар тўри бўлганини ҳозирги кунда ҳаётнинг ўзи амалда тасдиқлаб бермоқда. Бугун мамлакатимизни камраб олган бу ҳаракат ташкилий ва иқтисодий нуқтаи назардан шаклланиш босқичидан ўтиб, эндиликда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳам қўлувчи куч сифатида ўзини намойён қилиши долзарб вазифага айланмоқда.

Бугун қишлоқ хўжалиги тараққийоти мана шундай юксак поғонага кўтаришда муҳим ўрин тутадиган яна бир масала эътиборимизда бўлиши лозим. Яъни, соҳада шартнома муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларига қатъий риоя қилиб, шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — бу нафақат давлат ва давлат идораларининг вазифаси, балки биз қураётган ҳуқуқий давлатнинг ҳар қайси аъзосининг бурчига айланишини, ҳонун нормаларига ҳурмат билан қараш кўндаллик ҳаётимиз қоидаси бўлиб қолганини истардим.

Айнан мана шундай муносабатни ҳар томонлама қарор топтириш биз келажакда эришадиган ютуқларнинг гарови ва кафолати бўлиши даркор.

Шу билан бирга, галла етиштириш маданиятини янада ошириш, дехқон-фермерларни зарур моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш, юртимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида мос бўлган янги, серхосил бўғдой навларини яратиш, доннинг сифати ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш, бу борада илм-фан ютуқлари билан омилкор дехқонларимизнинг бой тажрибасини уйғунлаштириш каби доимо эътиборимиз марказида бўлиб келаётган ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу хурсандчилик кунда галлакорларимизга, илгор механизматор ва қўмбайчиларга, мутахассис ва мутасадиларга, бу улкан галабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.


Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамisha сийҳат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**


**17 МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛ**

ЮРТИМИЗДА ҲАР БИР БАЙРАМНИНГ ЎЗ ШУКУҲИ, ЎЗГАЧА ТАРОВАТИ БОР. ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ УЛУГ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ЭСА БАЙРАМЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ САРАСИ ҲИСОБЛАНИ, ОТА-БОБОЛАРИМИЗНИНГ ЭЗГУ НИЯТЛАРИ УШАЛГАН ҚУТЛУГ АЙЁМНИ ҲАР БИР ВАТАНДОШИМИЗ ДИЛДА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ, МЕҲНАТДА УЛКАН ЮТУҚЛАР БИЛАН НИШОНЛАШГА ИНТИЛАДИ.

*Истиқлол — бизнинг
борлигимиз, шону шухратимиз,
эркин ва фаровон
келажакимиз гаровидир.*



**БЕКТЕМИР ТУМАНИ:
БУЎЁДКОРЛИК
ЙЎЛИДАН**



Пойтахтимизнинг энг кенжа тумани ҳисобланган Бектемирда ҳам байрамга санокли кунлар қолган айни лаҳзаларда яратилиш, яшатиш, обод этиш ишлари кизгин паллага кирган бўлиб, барча соҳа ходимлари шодиёгани ёрғуз билан қутиб олиш тараддудида. Тумандаги 12 та маҳалла аҳли ўз ҳудудларида ободонлаштириш ва кўчалмзорлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

364,6 миллионга тенг бўлди.

Туманда биринчи чорак давомида ташқи савдо айланмасининг ҳажми 19,3 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига солиштирилганда 182,2 фоизга тенг келади. Экспорт кўрсаткичи 4,884,2 миң АҚШ долларига тенг бўлиб, бу ўтган йилга солиштирилганда ўсиш суръати 580,3 фоизга ортиганини кўрсатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган дастур ва вазифалар бажарилишига эътибор қaratилган бўлиб, бу тадбиркорлар сафи ортishi, уларнинг иқтисодийтаги улushi кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туманда жорий йилнинг уч ойи мобайнида аҳолини иш билан таъминлаш ва касаначилик дастурлари бажарилишига эътибор қaratилиб, режадаги 524 та ўрнига 649 та ва 84 та касаначилик бўйича янги иш жойлари яратилди.

Мустақил юртимизда ёшларга катта эътибор қaratилганлиги 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб аталishiда ёрқин ифодасини топди. Президентимизнинг 2008 йил 28 февралдаги «Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида туманда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳудудида жойлашган қорхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари урганлиб, улар асосида керакли мутахас сис кадр-

ларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Туман тиҳорат банклари томонидан ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида чорак давомида уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини ободонлаштиришда кўмаклашиш учун 123,2 миллион сўмдан зиёд ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Ёш тадбиркорлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Туман аҳолиси саломатлиги ҳам доимий эътиборда. Жорий йил 1 январдан бошлаб ҳудуд шифокорлари тўлиқ оила шифокори тизимида ўтиб ишлашмоқда. Аҳолига малакали ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун марказий поликлиникада барча имкониятлар, замонавий тиббий жиҳозлар мавжуд бўлиб, у 30 миңдан зиёд фуқароларга хизмат кўрсатади.

Мустақиллик байрами арафасида бектемирликлар бунёдкорлик ва ободончилик ишларини жадаллаштиришга боис ҳам маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, мактаб ҳамда болалар мактабгача таълим муассасалари, кўчалар, қорхона ва ташкилотлар ҳудудлари чирой очмоқда. Аҳолининг севимили масканларидан ҳисобланган тумандаги Красницкий стадиони қайта қурилиб кўркамлик касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун Бектемирда яқинлашган қулуғ Истиқлол шукҳуи ҳукмрон бўлиб, у барча-барчани эзгу ишларга чорламоқда.

(Бектемир туманига оид материалларни тuzатанинг 2-саҳифасида ўқийсиз)

Кечка сатрларда

•ТОШКЕНТ шаҳри аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида «Исузу» микроавтобусларидан 500 таси келтирилди.

•КЕЧА Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Мустақиллик, маънавият, тараққийёт» мавзусида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир йиғинларидан

да илиқ таассурот қолдириди.

•ШАЙХОҲТОХУР туман ҳокимлигида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Шайхонтохур туман бўлими ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласига бағишлаб ўтказилган бизнес-семинарда туман фаоллари, тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар, туман солиқ инспекцияси вакиллари ва ёшлар иштирок этишди.

•КЕЧА Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Санъатга бахшида умр» мавзусида уюштирилган хотира кечаси ва концерт дастури Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Нейматжон Қулабдуллаевнинг ижодий фаолиятига бағишланди.

•ЯНА 19 кундан сўнг Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ёзги олимпиада

уйинлари бошланади. Айни кунларда ушбу нуфузли турнирга йўланма олган мамлакатимиз чарм кўлпоқ усталари «МХСК» спорт мажмуасида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишмоқда.

•ШАҲРИМИЗДА спортнинг ўқ отиш тури бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

